

PUDRAT SHARTNOMASI

“Sarvinoz orzusi” ХК кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Ш. Шодмонов номидан, бир томондан ва Избоскан туман тиббиёт бирашмаси кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи рахбар А. Абдужабборов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” “Буюртмачи”га Избоскан туман тиббиёт бирлашмаси тизимидаги КТМП Лугумбек биноси иситиш тизимини мукамал таъмирлаш учун (кейинги ўринларда - “Ишлар” деб юритилади) ишларини бажариш, “Буюртмачи” ушбу “Ишлар”ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. “Ишлар”нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич нархи	Шартноманинг умумий қиймати(битим суммаси)
1	Иситиш тизимини мукамал таъмирлаш	23.600.000,00	23.600.000,00
	жами		23.600.000,00

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 23.600.000,00 (Йигирма уч миллион олти юз минг) сўмни ташкил қилади

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: “17” ноябр 2022 йил, тугаши: “31” декабр 2022й.

II. ТОМОНЛАРНИНГ
ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. “Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. “Бажарувчи” дан “Ишлар” “Буюртмачи” нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. “Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар»ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган “Ишлар” кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган “Ишлар” кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра зарур сифатга эга бўлмаган “Ишлар” шунга ўхшаш “Ишлар” билан алмаштирилишини;

- "Ишлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар
"Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини
қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада
абажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини
"Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага
мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан 30 % ҳақ тўланишини ва амалдаги
қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб
қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Ишлар"ни қабул
қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини
"Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки
"Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган
тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва
миқдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар "Ишлар"ни бажариш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари
ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби
билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин таъмирлаб
бериш.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси сўмни ташкил этади. Бажариладиган
"Ишлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул қўчириш йўли билан нақд пулсиз
тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. "Буюртмачи" мазкур контрактни Ғазначиликда рўйхатга олинган кундан
бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ контракт умумий
суммасидан 30 % миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган
70 % ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатноманимзолангандан сўнг 10
банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида
тўлайди.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва
талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз
зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини
таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

Шартларини
ликла

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортикча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи

миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қиймагининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи"томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи"томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарк «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил « 17 » ноябрдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномаши тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонуни ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатида илгари бекор қилиши мумкин.

8.2 Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан сўнг қонуний кучга киради.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадани кинусхадатузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг қонун ҳужжатидир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

X. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи

«Sarvinoz orzusi» ХК
Манзил Избоскан туман Турткул к
Хр- 20208000904516019001
ИНН-206523859
МФО-00083
БАНК ХУААБ Хўмкорбанк
Ш. Шодмонов




Буюртмачи

Избоскан туман тиббиёт бирлашмаси
Манзил Пойтуғ ш Шифокорлар к 1 уй
ШХВ-400322860032147072130054002
ИНН-200271386
Молия вазирлиги газначилиги
Хр-23402000300100001010
ИНН-201122919
МФО-00014
Марказий банк Тошкент ШХККМ
ОНХ-91511



А. Абдужаббаров

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	AXRORBЕК ABDUJABBAROV ABDUGAPPAROVICH
	Imzolangan sana	17.11.2022 10:00

Hujjat kodi	NJ45213087
Hulosa kodi	IT5545882613

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

IT5545882613

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Izboskan tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 15.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Izboskan tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



A.T.ZUXRIDINOV

16.11.2022